



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 19 март, № 53-54 (3598-3599) Шанба

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15-17 март кунлари
расмий ташриф билан Словения Республикасида бўлди

Ташриф учрашуларга бой бўлди. Президент Ислам Каримов Словения Президенти Янез Дрновшек, Бош вазир Янез Янша, Миллий кенгаш раиси Янез Сушник, Давлат йиғини раиси Франце Цукьяти, ташқи ишлар вазири, ЕХТнинг амалдаги раиси Димитрий Рупель ва Любляна шаҳри мэри Даница Симшич хоним билан музокаралар ўтказди.


Ислам Каримовнинг Словения учрашувлари тафсилотлари, аввало, икки томонлама муносабатлар ривожига алоҳида эътибор берилди. Словения раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қаради. Мамлакат ЕХТга раҳбарлик қилар экан, бунинг воситаси билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга, ташқи ишларнинг Марказий Осиёга диққат-эътиборини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Словенияга Европа қитъасидаги, Европа Иттифоқи ва НАТОдаги яқин ҳамкор сифатида қаради. Европага кириб боришда бу мамлакат билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Любляна учрашувлари алоқаларни фаоллаштириш борасидаги ҳамфикрлик, халқаро муаммоларга қарашлар яқинлигидан ташқари яна бир муҳим хизматини ўзида мўжасам этади. Ўзбекистон Президентини қарга бормасин, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди. Демак, Ўзбекистон Словенияда бу тариқа ҳам из қолдириди. Ислам Каримов билан музокара ўтказган Словения раҳбарларининг деярли барчаси мустақиллик учун курашининг муҳим бўлишига турган. Президент Янез Дрновшек мамлакатнинг Югославиадан тинч ажралиб чиқиши билан боғлиқ музокараларда маҳорат кўрсатган. Бош вазир Янез Янша марказий ҳукумат тазйиқига учраган. Парламентнинг куйи ва юқори палаталари раҳбарлари ҳам хуррият йўлидаги фидойилиги боис бугун халқ ишонган кишилардир. Уларнинг Ўзбекистон раҳбарига самийий ҳурмат-эътибори замирида мустақиллигининг асосисига эътибор ҳам мўжасам, албатта.

Словениянинг нуфуси 2 миллиондан сал кўп. Иқтисодий тараққиёт ботида у илгаридан қўшилари орасида етакчилик қилиб келган. Югославия таркибидан бўлган вақтлари бутун федератив мамлакат яқин муносабатларининг 20 фоиздан зиёди унинг ҳиссасига тўғри келган. Ҳозир ҳам бу борда олдинда. Марказий ва Шарқий Европа давлатлари унга анчайин ҳавас қилиши сир эмас.

Словения ўтган йили Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилди. 2007



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Словения Республикаси Президенти Янез Дрновшек билан ўзаро мулоқот пайтида.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

йилда ягона Европа валютасига ўтишни режалаштирмоқда.

Мамлакатда ҳукумат, марказий банк ва хусусий бизнес ўртасидаги мувофиқлик қарор топган. Солиқ ставкаси Европа мамлакатлари орасида энг кам — 25 фоиз.

Словенияда яқин икки маҳсулот ҳажми 28 миллиард, ташқи савдо ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ошади. Яқин икки маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60 фоиздан зиёд. Бу эса тараққиёт даражаси тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичдир.

Ушбу мамлакат ўзининг гўзал табияти ва бой тарихий мероси билан ҳам эътибор қозонган. Бу ерга йилга миллионлаб сайёҳ келади. Бунинг учун ривожланган инфраструктура ва малакали кадрлар мавжуд.

Словения иқтисодий соҳада ҳам катта ютуқларни қўлга киритган. Кадрларнинг билим ва малакаси бўйича Марказий Европада олдинги ўринда туради. Олимлар ва илмий-тадқиқот институтлари миқдори бўйича ривожланган Европа давлатларидан қолишмайди.

Словениянинг биз учун яна бир аҳамиятли жиҳати — унинг Фарбий Европа билан Шарқий ҳамда Жанубий Европа ўртасидаги йўллар чорраҳасида жойлашганидир. Мамлакат ҳудуди узвий автомобиль ва темир йўллари билан қопланган, 16 аэропортга эга. Изола, Копер

ва Пиран каби бандагҳолари бор.

Қалам аҳли Словенияни "Болкон Швейцарияси" деб атади. Алп тоғларининг жанубий этагига тутилган бу мамлакатнинг соҳиллари Адриатика денгизи юғиб туради. Эътиборга молик томони шуки, Словения Югославиадан тез ва тинч ажралиб чиқди. Ўз салоҳиятини, Фарб мамлакатлари билан алоқаларини сақлаб қолди.

Президент Янез Дрновшек Ўзбекистон Марказий Осиёнинг муҳим давлати эканлигини, кенг маънодаги барқарорлиги таъминлашда алоҳида ўрин тутганини таъкидлади. Словения раҳбари ўз мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мустақамлашдан манфаддорлигини кайд этаркан, бунда ЕИ ва НАТОнинг ҳам қизқишлари мўжасам эканлигини таъкидлади. Катта иқтисодий салоҳияти, малакали кадрларга, бой табиий захираларга эга Ўзбекистон билан яқин муносабат биз учун жуда муҳим, деди Словения раҳбари. Хорижий сармоядорлар муваффақиятли фаолият юритиши учун барча зарур шароит яратилган, қўшма корхоналар очиш учун керакли ҳуқуқий асос ишлаб чиқилган.

Бош вазир Янез Янша эса ушбу ташриф муносабатларини ривожлантиришдаги гўят муҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Парламент раҳбарияти билан учрашуларда сенатор ва депутатлар

нинг борди-келдисини ривожлантириш баробарида кунун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашишга келишиб олинди.

Икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга ва улар ташрифнинг ҳақиқатан ҳам залворли қадам бўлганини тасдиқлайди. Халқаро йўловчи ва юк ташвиш ҳақидаги битим товарлар ва хизматлар алмашувини фаоллаштиришга қаратилган. Банкларо меморандум ишбилармонларнинг молиявий операцияларини энгиллаштиради. Савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳужжат савдо ҳамда бизнес алоқаларини яхшилади. Сўғурта компаниялари эса бу алоқаларда ўзаро ишонч мустаҳкам бўлиши ва сармоялар самардорлигини кафолатлаш учун ҳамкорлик ҳужжатини қабул қилди.

"Ўзбектуризм" билан Словениянинг "Рене Тур" ва "Компас" сайёҳлик агентликлари ўзаро ҳамкорлик босарида келишиб олди. Шу тариқа Ислам Каримовнинг ташрифи асосида ҳамкорлиқнинг янги саҳифалари очилди.

Люблянада "Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти" мавзусида бизнес-форум ўтказилиб, Словения ишбилармон доиралари мамлакатимизнинг имкониятлари билан таништирилди. Анжуман бошқа яна қўлаб учрашулар билан давом этгани алоқаларда янги қир

ралар вужудга келатганидан, янги уфқлар очилаётганидан далолатдир.


Президент Ислам Каримов ташриф якунларидан мамнуният билдирар экан, сафар моҳиятини қисқа ва лўнда изоҳлади. Бу, аввало, ҳамкорликни ривожлантириш вазибалари ва йўналишларини белгилаб олиш ҳамда бу борадаги ишларни бажариш механизминини яратишдан иборат. Бирламчи вазиба муваффақият билан удаланди. Ислам Каримов Ўзбекистон ва Словения раҳбарлари истиқболда икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисида битим тузишга ҳам келишиб олганини маълум қилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ҳамкорлиқда қўлаб қўшма корхоналар тузиши мумкинлигини кайд этди. Словенияда электроника, ёғочни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, тери маҳсулотлари ва пойфазал ишлаб чиқариш, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноати яқини ривожланган. Мамлакат чорвадорлик, фаллакорлик, боғдорчилик ва узумчилик билан яқин танилган. Бу соҳалар бизда ҳам кенг ривожланган. Словения Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати, нефть кимёси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қўлаб бошқа соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Президентлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадошлигини, Афғонистон билан темир йўл алоқасига эга ягона давлат эканлигини, Словения харбийлари бу мамлакатда хизмат қилаётгани ва халқаро миқёсдаги тикланиш ишларини назарда тутиб, мазкур йўналишда ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятларини кўриб чиқдилар.

Хуллас, олий даражадаги илк мулоқот истиқболда гўят самарали лойиҳалардан дарак бермоқда. Дунёда рақобат шиддат билан ривожланаётган, бозорларда эгалланмаган жой қолмаётган, сиёсий ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатлик тобора долзарблашаётган бугунги кунда Ўзбекистон — Словения ҳамкорлиги янги поғонага қадам қўймоқда. Президентлар айтганидек, аввал — расмий келишулар бўлди, кейин — бевосита мулоқотларга кенг йўл очилди. Энди ҳеч ким халал беришга қурб етмайди ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик даври бошланганига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Любляна-Тошкент.



Айём армуғони

АНДИЖОН вилояти марказида "Мумтоз" деб номланган ҳашаматли бино қад ростлади. Бу билан шаҳарликлар ва меҳмонларга қулайлик яратилган бўлса, Андижон тиллар институтининг академик лицейининг янги биноси ўқувчилар учун Наврўз тўхфаси бўлди.

Байрам арафасида шаҳардаги 24- умумтаълим мактаби, яна бешта мактаб биноси таъмирдан чиқарилди.

НАВОЙ вилоятида ҳам байрам арафасида ўнлаб иншоотлар ишга туширилди. Нурота тумани Фозгон қўрғонига болалар спорт комплекси, Сентоб қишлоғида, Кармана ва Хатирчи туманларидаги бир нечта қишлоқларда врачлик пунктлари иш бошлади. Навбахор туманида эса 600 ўринли касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди.

ЖИЗЗАХ вилоятидаги Бахмал тумани аҳолиси байрам арафасида яна бешта маиший хизмат кўрсатиш иншоотларига эга бўлдилар. Тиқиш-биқиш цехлари, турли устaxonаларни ўз ичига олган ушбу шохобчалар Жиззах ва Фаллаорол туманларида ҳам қуриб битказилди.

Айни Наврўз тантаналари олдидан вилоятда 180 ўринли умумий овқатланиш шохобчалари иш бошлади.

ФАРФОНА вилояти Ўзбекистон тумани ҳудудидаги Яққат қишлоғида спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етди. Болалар спортини ривожлантириш мақсадига бунёд этилган ушбу иншоотда ёшлар спортининг бир неча турлари бўйича шуғулланиш имконига эга бўлди. Қўқондаги тиббиёт билим юрти йўлдош бизнесининг қуриб битказилиши эса, талабаларнинг фан сирларини чуқурроқ эгаллашларига имкон яратди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНнинг Эллиққалъа туманида ўнга яқин турли маданий ва маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Айниқса Бўстон шаҳрида Ўзбекистон мол қомашё биржаси шохобчасининг очилиши туман иқтисодий ҳаётида янги саҳифа очди. Шунингдек, Сарбий, Қиличиноқ, Амиробод қишлоқ ва овулларида ҳам турли иншоотлар иш бошлади.

"Тозабоб" овулида "Ёшлар хйёбони", Алишер Навоий номидаги фуқаролар йиғини ҳудудида янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятидаги 5 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жорий йилда вилоятда 22 та янги мактаб ишга туширилиб, 25 та мактаб реконструкция қилинди. Шунингдек, 39 та мактаб тўбдан ва 48 та мактабнинг жорий таъмирланиши режалаштирилган.

Ўз мухбирларимиз.

Бугун — Умумхалқ хайрия ҳашари кун Ҳаракатда — Баракам

Халқимиз азалдан эзгу ишларга хайрихоҳ бўлиб келган. Хусусан, эҳтиёжман кишиларга, бева-бечораларга муруват кўрсатиши, уларнинг оғирини энгил қилиш ва эл юмушига қўмақлашишни савоб, деб билган. Бундай барҳаёт қадриятларимиз, айниқса, улуг айёмлар арафасида оммавийлик касб этган. Шу сингари тадбирларда — йўлларни тартибга келтириш, кўприк қуриш, ободонлаштириш каби ишларда элнинг катта юксалишига эътибор қўйишга астойдил шошилганлар. Пировардида маҳаллау қишлоқлар, қўрғону кентлар янгиланиш фасли бўлиши баҳордек гўзал қиёфага кирган. Шунинг учун ҳам аждодлардан мерос бўлмас қадрият асрлар оша эъзозланиб келинмоқда. Халқимиз орасида «Хашар — элга ярашар», деган нақлнинг оғиздан оғизга кўчиб юриши ҳам шундан.

Бугун мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари кун. Улуг айём — Наврўз байрами арафасида ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳаллалар, кўчалар ва турар жойлар ободонлаштирилди.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумхалқ хайрия ҳашарида ва ободонлаштириш ойлари мамлакатимизда са-



нитария ва гигиена ҳолатини яхшилашда ҳам катта аҳамият касб этмоқда, — дейди республика «Маҳалла» хайрия жамағатаси раисининг биринчи ўринбасари Ниғматулла Абдуллаев. — Масалан, қўлаб фаслнинг биринчи ойда ободонлаштириш ойлари жуда кўтаринки руҳ билан бошланди. Ўн тўртинчи мартга қадар олинган маълумотга кўра, мамлакатимиз бўйича салкам тўрт миллион тул мевали ва манзарали дарахтлар, уз миллион тулдан эчед гул қўчатлари экилди. Шу давр мобайнидаги қўламазорлаштириш ишларида икки миллион саккиз юз минг нафардан зиёд киши ўз хиймати билан қатнашди.

Худойберди ЭШМАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Умуммамлакат марафони

Хайр, Хоразм, салом, Бухоро!

Нукусдан старт олган умуммамлакат марафони иштирокчилари Хоразм вилоятининг Гурлан туманида катта тантана билан кўтиб олинди. Эрталаб соат 7.00 да вилоятнинг сараланган 12 нафар спортчиси марафоннинг старт чизигига келиб, шай турдилар.

Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилаётган марафонда спортчилар билан бир қаторда юзлаб ўқув юрталари талабалари ва ўқувчилари ҳамда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган жижаман соғлом кўнгилли хаваскор югурувчилар ҳам қатнашаётган. Ушбу марафон Наврўз байрами шукрини янада оширди. Гурлан туманидан Урганч шаҳрига йўл олган марафон иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида вило-

ят марказига етиб келдилар. Бу ерда уларни спорт ишқибозлари, гуллар ва олқишлар билан кўтиб олишди.

— Спорт менинг доимий ҳамроҳим. Ушбу марафон мамлакатимиз аҳолисининг оммавий спортга жалб этишига, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишига ҳамда катта ҳисса қўлади, — дейди 72 ёшли Жуманиёз ота Раҳимов. — Марафончилар билан учрашиб, уларга омад тилаш учун қишлоқдан атайлаб келдим.

Ўз йўлини Нукусдан бошлаган умуммамлакат оммавий марафонининг биринчи йўналиши иштирокчилари Урганч шаҳри, сўнг Хонка, Богот туманлари қудудларини босиб ўтиб, кечта яқин Хазорасп туманига етиб келидилар. Йўлда уларнинг сафи тобора кенгайиб борди. Жамоатчилик уларни олқишлар билан қўлаб-қувватлаб турди.

Бугун эрталаб марафончилар Хоразм воҳаси заминини орта қолдириб қадим Бухоро сари йўлга чиқди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Поток»нинг олтин қондаси:

БАРҚАРОРЛИК ВА СИФАТ КАФОЛАТИ

Мурунтов қондаги ноёб даврий-поток технологик мажмуасидан фойдаланишга давлат этилган нодавлат корхонаси — «Поток» олтин изловчилар артелининг 16 йиллик иш фаолияти давомида бирор марта ҳам узилиш бўлмади. Меҳнат жамоаси ўтган давр мобайнида Зарафшон, Навоий ва Уқудуқ шаҳарлари аҳолисини ўзи етиштирган турли хил гўшт-сўт ва иссиқхона маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб келмоқда. Бугун, 2004 йилда артелнинг қишлоқ

хўжалик участкасида меҳнат қилаётган 199 ходимнинг ҳар бири ҳисобига ўртача 7,5 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилгани бунинг тасдиғидир. Ушбу саҳифада Қизилқум «қаричи билан ўлчганда» у қадар катта бўлмаган, Навоий кон-металлургия комбинати билан олтин қазиб чиқариш бўйича давлат шартномасини бажариш юзасидан жамоа пудрати шартномаси асосида иш юритаётган яна шу корхона фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Мустақиллик берган имкониятлар

Мурунтов ҳақида сўз кетганда, кексалар шундай таъриф беришади: «Бу жойларда беш-олти йил ўтган қўйларнинг тишларида тилла қоплама пайдо бўлади». Дунёда ана шундай энг сифатли олтинга бой Мурунтов очик қонини саноат йўли билан ўзлаштиришга 1967 йилда киришилган эди. Бугунги кунда у республика иқтисодиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб, мамлакатни жаҳонда олтин қазиб олиш бўйи-

ча етакчилик қилаётган давлатлар қаторига олиб чиқди. Тарқибидан олтин мавжуд тоғ жинсини қайта ишлаш учун йирик 2-гидрометаллургия заводи қурилган сувсиз дашта Зарафшон шаҳри бунёд этилгани бунга имкон берди.

2002 йили Тошкентда чоп этилган «Навоий кон-металлургия комбинати. Бунёд этиш ва ривожланиш тарихи» китобида, жумладан, мазкур дунёда энг йирик олтин қонидан юз берган оғир ва но-

(Давоми 4-бетда).



Маржабо, дилрабо Наврўз!

Юракдан чиққан сўз самимий бўлади. Эзгуликка йўғрилган иш барчага маъқул келади. Бугун кўча-кўйда икки кадрдон учрашиб қолса салом-алиқдан кейин "Наврўз муборак!" дея бир-бирини табриқлайди. Қанчалар ширинсухан. Шундай эмасми?!



Шу кунларда ҳар бир киши Наврўз байрамини ўзгача интиқлик билан кутаяпти. Байрам шуқуви кўнгишларга қўчаётгани кишига қувонч бахш этади. Биз ушбу муборак дамларда айрим юртдошларимизнинг Наврўз ҳақидаги ўй-фикрлари билан ўртоқлашдик.

ЯХШИЛИКЛАР ДАРАКЧИСИ

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири:

— Дунёда шундай сўзлар борки, улар абадиятга дахлдордир. Шундай аъёнлар борки, мангу яшайди. У ҳам бўлса яхши сўз, эзгу удумлардир. Мен Баҳор фаслини, Наврўз айёмини мана шундай яхшиликлар элчиси, эзгуликлар дарақчиси деб биламан. Бу айёмдан илҳом олиб қўйланган қўшиқ, қозога тушган ашёр бениҳоя самимий бўлади.

Наврўз баҳона юртимизда ободончилик ишлари авжга чиқади, чор-атроф саранжом-сарихта бўлади. Борлиқ ўзгача тароватта бурканади. Наврўз байрамининг халқ сайли тарзида ўтказилиши учун қаратилган эътибор замирида ҳам она Ўзбекистонимизнинг қуркам табиятини, аъёнларини асраб-авайлаш, муносиб давом эттириш истаги ётибди. Қолаверса, тинчлик-хотиржамлик бор жойда тўй бўлади, ҳурсандчилик қилинади. Биз бугунги осойишта замонада яшаб, бола-чақамизни катта умидлар билан тарбиялаётимиз. Баҳолик, дунёнинг ҳамма мамлакатиде ҳам бизникидек тинчлик ҳўқоринлик қилаётгани йўқ. Биз эса, шўрки, икки-уч йиллик эзгу режаларимизга бугундан киришамиз. Оруз-ниятлар қиламиз. Бу бежиз эмас, албатта. Унинг орақсиде ўқ овози эшитилган турган, ором бузилган киши жондан бошқа ҳеч нарсаи ўйламайди...

Айтмоқчиманки, шу тинчликимизга, тинчлик йўлида олиб борилаётган ишларга кўз тегмасин. Эзгуликлар бошида турганларнинг ҳаммалари омон бўлисин!

М. ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Тафти азалий, тақдири абадий

ви сачраб, тинчлик деган кутлўғ неъматга пўтур етмоқда. Болалар кўзидан ёш оқмоқда. Эртанги кундан умид йўқ. Касаллик авж олаятти. Бизнинг юртимизда эса буюк келажак қўриш учун жадал ишлар амалга ошириляпти.

Яхши аъёнларимиз бор. Улардан бири Наврўз олди уюштирилган умумхалқ ҳаширидир. Бу бугун юрт ўзра ободончилик ишлари авж олади, деганидир. Тўғри-да, бир жойда хашар орқали ён-атроф гўзал кўйфа касб этса-ю, бошқа масканда ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлса. Ҳеч нарса хусусиде бош қотирмасе, қанақа ҳолат юзга келди? Бугун бир маҳаллага бориб, у ердаги ўзгаришларни, янгиликларни кўриб, дилингиз завқланса-ю, эртага бошқа бир маҳаллага бориб беса-ришталikka кўзингиз тушганда кайфиятингиз тушиб кетадими, йўқми? Албатта недандир ранжийсиз. Гўзалликдан баҳра олган қалбин-

ғизда қандайдир оғриқ пайдо бўлади.

Наврўз баҳона бугун ҳар бир кишининг ўзи яшаб турган ҳудудни озода-саришта қилишга, мусафоланинг барқарорлигига эришишга алоҳида эътибор қаратишидан кимга наф? Шубҳасиз, энг аввало ўзимизга, табиятга наф! Уйингизга келганда меҳмон йўлагингизга қараб дидингизга, фаросатингизга баҳ беради. Хонадонингизга олиб борадиган йўлак чинидек ярақлаб турса, меҳмон ҳам "балли" дейди — шаънингизга наф!

Ўзимизга хос, ибрат бўларли удумларимиздан яна бири одамлар қалбидеги меҳр-оқибатинг амалий кўринишидир. Одатда байрамларда зиёфатлар, меҳмондорчиликлар, турфа таомлар пишириш авжга чиқади. Наврўз ҳам бу каби аъёнлардан мустасно эмас. Аммо фарқли томони шундаки, таомлар тайёр бўлган, энг аввало беморлар, ёлғиз, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар

олиш аъёнасидир. Тўғри, таом пиширган кишига ҳеч ким "Фалончининг ҳолидан хабар ол" демаса-да, дилида меҳр-оқибати бор одам, албатта, бемор кўниси, маҳалладошининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Бу эса Наврўзнинг халқчил айём, эзгулик элчиси эканлигига яна бир далилдир.

Истиқлол йилларида буюк аждодларимизнинг қадимжолари обод масканга айланганлиқда. Хоки пойлари ётган жойлар зиёрат қилинапти. Бунда ҳам катта ҳўқимат бор. Азаллари эъзозланган юртдан файзу барака, оқибат кўтарилмайди. Уларнинг маънавий мулки кишини эзгуликка чорлайди.

"Навоий" бадий фильмида шеърят мулкининг султони шундай дейди: "Биз етолмаган умидларга келажак насллар етмоғи мумкин. Қачонлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасиде

Аждодлардан мерос бу удум бугунги кунда янгича қиёфада муносиб давом эттирилмоқда. Наврўзнинг халқ сайли кўринишида ўтказилиши замирида жойларда фақат тантаналарни, базмларни уюштириш эмас, ҳар бир маҳалла, гузарда ободончилик ишларини амалга оширишдек эзгу истак бор. Хашар орқали халқимизнинг улкан яратувчилик салоҳияти намойён бўлади.

Бундай байрамларни ўтказиш учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак, албатта. Бизда шуқурки, тантаналар ўтказишга лойиқ ютуқлар, муваффақиятлар талайгина. Изчил олиб борилаётган ишохотлар туфайли бу ютуқлар янада бўй кўрсатмоқда. Ўзбекистон айнан истиқлол йилларида жашон мамлакатлари ўртасиде муносиб ўринга эга бўлди. Тўғри, камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар йўқ эмас. Аммо ҳеч ким қўл қовштириб ўтиргани йўқ. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ҳужжатларда эл-юрт фаровонлигини ошириш бош мақсад қилиб қўйилган. Бу эса эртанги кўнга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Бугунги ўтиб, эртаси маъму тўулган кундан оғири бўлмасе керак. Ҳолбуки, бугун дунёнинг қайсидир масканиде уруш оло-

Сен келтирган ризқ-рўзингдан айланай

Одатда, ҳар қандай байрам, шодиёна арафасиде юртдошларимизнинг кайфиятларини билишга ҳаракат қиламиз. Бу гал ҳам худди шу йўлни тутдик.

Эргаш ИБРОҲИМОВ, Самарқанд вилояти, дехқон:

— Бу йилги баҳор бодехқонлар учун кўнгилдагидек бошланди. Киши кишигини қилди. Ёгин-сочин мўл бўлди. Ерлари намга тўйди, дарахтлар ўз вақтида куртак очди. Об-ҳавонинг ана шундай қўлай келганидан, дала ишларини эртароқ бошлаб юбордик. Тўғрида, табият саховатини биздан аямади. Энди вақтдан унумли фойдаланиш керак. Шу боис, ҳали кўёш нурлари заминга ёйилмасдан туриб, далага шошиламиз. Бунинг ўзига яраша завқи, гашти бор. Чўнки ерга қанча меҳр бёрсанг, у сенга шунча саховат кўрсатишини дехқонлар, ўз ерига меҳр қўйган инсонлар яхши билишади. Байрам арафасиде ерга уруғ қадар эканимиз, бу йилги ҳосил мўл бўлишини, баҳор ҳаммамизга саховат кўрсатишини ниёт қиламиз.

Адолат БЕРДИЕВА, Ташкент шаҳри, шифокор:

— Баҳорнинг ҳар кўни, ҳар лаҳзаси қувончли. Атрофда яшариш, янгилик, гўзаллик, ўтаётган ана шундай бахтли кўнларимиз ҳар бири-мизнинг саломатлигимиз, сиҳатлигимиз билан уйғунлашса янада файзлидир. Айни пайтда, Наврўз байрамини арафасиде "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурига биноан, ҳайларда

аҳолини босқичма-босқич тиббий кўриқдан ўтказаямиз.

Бунёд АБДУНАЗАРОВ, Сурхондарё вилояти, оддий аскар:

— Мен бу йил Наврўз байрамини уйимдан айна узокда — юртимизнинг жанубий сарҳадларида қўтиб оляман. Бундан асло хафа эмасман. Ойлам, яқинларим, Ватаним байрамини ҳеч бир ташвишсиз, тинч-осойишта қўтиб олишлари учун ўзимни бурчли деб ҳисоблайман. Хизмат кўнгилдагидек ўтапти. Баҳорда, кўёшнинг илик нурлари остидаги жанговар машқлар бизни чарчатмайди. Аксинча кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Отамур РўЗИЕВ, Қашқадарё вилояти, боғбон:

— Ҳар баҳор келганида, ортага ўғирлиб, ўтган умримни сарҳисоб қиламан. Етказганига шўкр, дейман. Бир вақтлар экан нихолларим бугун кучоқ етмас дарахтларга айланган. Қўриб, дилим ярайди. Кексаяганимни бир оз унутгандек бўламан. Мана, бу йил Китоб тўманидеги Янгиобод маҳалласиде икки минг туپ нихол экдим. Бун кўрган маҳалладошларим ҳам дарвозаларининг олдиға қўчат экишди. Хуллас, Наврўзни боғ яратишдан бошладик.

Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

Онахонлар эккан кўчатлар

Баҳман туманининг Усамат шаҳарчасидеги "Дўстлик" маҳалласи уй бекалари "Наврўз" байрамини шарафига оила аъзолари билан ўн тўлдан мовали дарахт нихоллари ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

Маҳаллада 500 дан зиёд хонадон борлиги эътиборга олинса, онахонлар эккан кўчатлар 5 минг тўлдан ошадди. Маҳаллани ободонлаштириш учун жон қўядирётган онахонлар йил бўйи ўзлари эккан кўчатлар парваришини ҳам таъминлайдилар. Энг муҳими, онахонларнинг бу хайрли иши туман бўйича оммалашмоқда.

Баҳриддин САТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.



МИЛЛИЙ АНЪОНАЛАРИМИЗ КЎЗГҮСИ

Фалсафа фанлари доктори, профессор
Усмон Қорабоев билан суҳбат

— Домла, истиқлол берган энг катта неъматлардан бири — азалий байрамимиз — Наврўзнинг юртимизга қайтарилиши бўлди, десак янглишмаймиз.

— Тўғри айтдингиз. Истиқлол — Наврўз тарихиде янги кўн бўлди. Наврўз бир сўздан иборат. Аммо унинг ортида минг йиллик тарих, миллий аъёнлар, қанчадан қанча урф-одат, маросимлар, халқ ўйинлари, беллашувлар турарди. Уларнинг ҳаммаси Наврўз сахнадан олиб ташланган, таъқиқланди, эскилик сарқити деб баҳоланди. Мана, оддийгина ўзбекча курашнинг олиб кўралиб, бугун дунё полвонлари беллашадиган, миллионлаб қалбларни ўзига асир этётган мусобақага айланди. Биласиз, шўрлар даврида курашимизга эътибор берилмасди ҳам. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

— Ушбу йилда Наврўзни халқ сайли сифатида ўтказилишига алоҳида аҳамият берилмоқда...

— Бу ҳамминг дилидаги гап. Наврўз миллий аъёнларимизни ўзда мужас-сорт этган кўзгудир. Унда юртимиздаги ҳар бир худуднинг ўзига хослиги, урф-одатларининг бетакрорлиги мужассан. Шундай экан, бу шодиёналар фақат эл-улус билан ярашиди. Наврўз эзгулик элчисидир. Унинг кенг миқёсда ўтказилишининг ўзи табиий ҳол. Чўнки

бу тантанамда халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари тўлалигича намойён бўлади. Байрам шодиёналари қадимда икки-уч ойлаб давом этган. Унда юзлаб халқ ўйинлари уюштирилган. Масалан, баҳорнинг илик кўнларида, дарахтлар куртак чикарганда "Тол барғак", гуллар очилганда "Гул ўйин", табият билан инсон руҳияти уйғонганда ўзига хос кўшиқчи, рақсли "Ёмгир ёғалоқ", "Об теракми, кўк терак" каби ўйинлар ўтказилган. Дала ишлари бошлангунга қадар, йигитлар "Подачи", "Чавандоз", "Қирқ тош", "Қўлоқ чўзма", қизлар эса, "Дурра", "Чоричанбар", "Тортишмачок" сингари ўйинларда бахсалашибган. Шунингдек, теримчилик, дехқончилик, ҳўнармандчилик, овчилик, чорвачилик каби турли касблар билан боғлиқ "Чўпон ва оксок бўри", "Сартарош", "Ковушим", "Каштачи", "Теримчи" сингари маросимлар ҳам бу тантаналарга ўзгача завқ бағишлаган. Бу ўйинларнинг ҳар бирининг тарихи, аҳамияти ҳақида соатлаб суҳбатлашаск бўлади. Уйинлар қизқарли бўлиши билан бирга фарзандларимизга таълим-тарбия беришимиздаги аҳамияти ҳам бекиёсдир. Наврўз ўйинларининг ранг-баранглиги, турларининг кўнлигидан одам хайратга тушади. Уларни шартли равишда бошқотирилган, кўшиқчи, рақсли, театрлаштирилган ўйинларга ажратиш мумкин. "Тахта


жонги", "Чизиқ ўйин", "Шахмат", "Топқир" каби номлар билан юритилувчи бошқотирмалли ўйинлар боланинг ақлини чархлашга, ўстиришга, мангилга ва тез фикр қилишга хизмат қилади. Сўз ўйинлари эса, асосан, фарзандларимиз нутқини шакллантиришда муҳим восита саналади. "Як-як", "Бўшама", "Юрмана-юрман" каби ўйинларни ўз ичига олган кўшиқчи ўйинлар ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради, иштирокчиларга эса, завқ бағишлайди. Рақсли ўйинларда пантомималар ижро этилгани билан ўйинлар атрлаштирилган ўйинлар деб ҳам юритилади. Қай бир ўйин ҳақида фикр билдирмайлик, уларнинг ҳаммасиде ҳам халқимизгагина мос бўлган, тақрорланмас, азалий одатларини, ҳеч бўлмаганда, бир қиррасини кўраман.

— Шу соҳада узок йиллардан бўён тадқиқ олиб бораётган олим сифатида байрам сайлини қандай ўтказишни таклиф қилган бўлардингиз?

— Наврўз, асосан, табиат кўйинида, йирек майдонда, маданият ва истироҳат боғларида, ўйингоҳларда нишонланган. Уни ўтказиш учун халқ, аввало, атрофини саронжом-сарихта бўлишига эътибор қаратган. Дарахт ва гул кўчатларини ўтказишган, арик-эвуларни тозалашган, қабристонларни ободонлаштиришни энг муҳим юмуш ҳисоблаган. Ана

ундан сўнг байрамни бошлашган. Келинг, халқ удумларига асосланган Наврўз тантаналаридан шаклини кўриб чиқайлик.

Наврўз кўни эрталаб баҳорий рамзлар ва гуллар билан махсус безатилган бир неча очик машиналар шаҳар ва қишлоқ кўчалари бўйлаб тантананинг рамзий меҳмонлари — Баҳорхоним, Наврўзбобо, Кўёшбобо, Она ер, Оймомо, Сайёралар сайрга чиқса. Илоҳи бўлса уларнинг олдида беш-олти остиқ жаҳонлар қарнай-сурнай садолари остида юрса. Уларнинг ортидан байрам томошалари ўтказилган майдонга кўшиқчилар, раққоллар, аскиячи-ю кизикчилар — барча-барча санъаткорлар, меҳнат илгорлари, факрий меҳмонлар кириб боришса. Уйғониш, янгиликларни тараннум этган кўйиқчилар, шеърлар янгра-са... Баҳорхоним билан Наврўз бобо йиғилганларни кутлўғ айём билан муборакбод этишса, чақалоқларга исм қўйиб, юз билан юзлашган отахон ва онахонларини шарафласа, янги келин-кўйиларга бахт ва омадлар тилаб, байрам сайлини очиб, ҳамма-ҳаммини тантаналарда қатнашишга чиқаришса. Жойларда "Наврўз либослари", "Баҳор манзаралари" сингари байрам кўргазмалари, дор ўйинлари, полвонлар беллашувлари, Насриддин Афанди сиймосида чиқувчи аскиячи-кизикчилар, театр томошалари, бадий хаваскорлик, фольклор-этнография ансамблларининг



концертлари, халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, бахши, масхарабозларнинг чиқишлари уюштиришса... "Қўлама таомлари"ни тайёрлаш бўйича нововийлик, қандолатчилик, пазандчилик бўйича танловлар, сумалек бозмалари бўлиб ўтса. "Энг озода ховли", "Энг кўркам маҳалла" танловлари яқунликларга ўзига топишганларга совғалар топширишса. Байрам сайлининг энг омавий ўйини — улоқ билан поёнига ётказилса.

— Қарамоқ шоиримиз Абдулла Орипов айтгандай, ўрпақ му-стакиллик йилларида Наврўз билан қандай та-нишув маросимларини ўтказдик. Демак, унинг ичига янада чў-куррок кириб, унут-тилётган ўйинлар, маросимлар, урф-одатларни ўрганишимиз, ёшларимизга ўргати-шимиз лозим.

— Албатта. Мен юқориде қатор ўйинларни, маросимларни санаб ўтдим. Айтиш мумкин, фарзандларимизни

Саид МУҚИМОВ суҳбатлашди.

Тонг ёришиб келарди. Сарин шабода майсаю гиёҳлар ҳидини олиб учди. Дала гулларининг хуш ифторлари димоққа келиб урилди. Кўз яшнаб, кўнглилар қувонди. Ок рўмолли момо дарвозани каттароқ очди. Узица дуолар ўқиб, тонг фаришталарини чорлади. Сўнгра ҳовучларини юзига тортиб, Янги кунга яхшилик тилади. Деҳқон даласи томон юрди. Нам тупроқни кафтига олиб эзгилди. Кўнгли тўлди, юрагида хушбахт бир соғинччи тўйди. Ёшу қари хашарга отланди. Ҳар бирининг дилида яратиш ва яшнатиш ҳаваси, меҳр ва муҳаббат ҳарорати, хайру саховат тарадудди! Юртаро Наврўз кириб келмоқда...

ДИЛАНИ ДИЛГА БОҒЛОВЧИ ДАМАЛАР

Душанбада кирса, гар...

Деҳқон табият билан яқин дўст. У фақат табиятга қулқ солади. Кузатишларига ишонди. Тажрибаларига сўнади. У радиода берилётган об-ҳаво маълумотларини эшитган бўладию, лекин ўзица ён-атрофни секин қузата бошлайди. У билди, қаргалар дарахт тепасида ўтириб «қар-қар»ласа тезда ҳаво айниди. Чиннигул ёқимли ис таратса, шамол туради. Зағчалар тўдалашиб ўнсалар, ёмғир ёғади. Қоқигул кўзларини «юмиб» олса жала қуяди. Карнайгул шом кирмасдан очилса, тунда эёз бошланади. Қора чигиртка чирилласа бас, ҳаво очилиб кетади.

— Наврўз қай кун кираркин? — дея бир-бирдан сўрашади улар.

— Бу йилги Янги кун душанбадан бошланади...

— Ха, шундайми? Хайрли бўларкин, иншооллох!

Манбаларда ёзилшича, йил давомидики об-ҳаво ўзгаришлари, деҳқончиликнинг аҳоли Наврўзининг қай кун киришига боғлиқ ҳолда кечармиш. «Ажам ҳуқа»

моларининг йил боши ҳақидаги баёниди Наврўзининг душанба кун киришига шундай таъриф берилди:

... Тоғ аро галла беҳисоб ўлғай,
Боғ аро мева обдор ўлғай.
Мол беофат, соғин бисёр,
Дала саба, ёғин бисёр.
Халқ аро кенеру, неъмат алаво,
Фуқаро кўнгли хурраму хандон...

Яъни, тоғларда ҳам, боғларда ҳам галлаю мева сероб, ўт-ўлан кўп, ёмғир мўл, мол-ҳоллар обфатдан йироқ, ҳар жойда тўқинлик, эл-улус кўнгли шод бўлғай.

Дардга шифо бўлгил, майсаян

Қишлоқнинг чеккасида кичкина сўмоқ йўл бор эди. Биз эрта баҳордан бошлаб то кеч кузакча ана шу сўмоқ бўйлаб далага қатнардик. Минг бир ўт-ўланлар этикчаларимизга урилиб, ажиб бўй таратарди. Бу ўтларнинг қай бирларини ҳидидан, қай бирларини эса барглари ё гулларидан ажратиб олар эдик. Сувкаламнинг гуллари худди маржонга ўхшарди. Бўзочнинг иси ёқимли,

лекин қўл теккизаск барглари чиппа ёпишиб қоларди. Далачи сап-сарик бўлиб гулга кирганида сочларимизга безак қилардик. Марваридгул худди кўнгиракчаларни эслатарди. Мойчақ гулбарглари сулув, гулхайрининг ифори майин, девонгуннинг товланиши чиройли эди. Айниқса, ёмғир севалаб ўтган кезларда бу ўтларнинг ҳиди гуркираб, бутун қишлоққа ёйларди. Кўм-кўк майсазорларнинг аллақандай сехри бордай эди...

— Майсаларни тўйиб ҳидла, кўнглинг ёшаради, — дерди моллар.

— Майсазор устидаги шудрингдан олиб ич, барча дардан фориг бўласан, — дерди боболар.

Майсаларга бўйлашиб, улар билан жой таллашиб ўсаётган ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ, беда-чи? Юз бир дардга дармон экан бу кўкатлар. Қишдан толиққан вужудларга мадад, юракларга қувват бергучи сумалак таомин ҳам унган майсалардан тайёрланади. Қўтлуг таомини тайёрламоқ тарадудда бўлган моллар келинларига мана бундай дейдилар:

Ҳой келинчақ, келинчақ,
Танинг пок, пок бўласан.
Ниятингни пичираб,
Қулоғинга майса ила!

Эмишки, бугдой майсасидан узиб, қулоқларига илдириб олган келинчақлар келгуси сумалак фаслига ниятларига етар эканлар.

Сумалак қозони атрофида дуо қилаётиб, энам дер эдилар:

— Узинга Аллоҳдан соғлиқ тила. Саломатликка не етсин. Наврўз хўб хосиятли кун, не тилсанг ижобат бўлур. Ахли муминлар бир-бировига керак эканликларини шу қунда аянам чўқур аниқлайдилар. Урушганлар ярашишади, кексаю хасталар ҳолидан хабар олинади. Ҳовлию уйлар чинни чирокдек покиза қилинади, қабристонлар ичи супуриб-сидирилади. Бу кун шундайки, у дилни дилга боғлайди...

Нурли туйғулардан кўнглим ёришиб боради.

Ва дейман: «Қадамнинг хуш келисин, Янги Кун!» Озод юртимиз тинч, элимиз соғу омон, хур қалбларимиз яшамоқ ҳавасидан масрур бўлиб, саодатли манзиллар томон жадал илгариларайлик, азизлар. Наврўз эса бизни бир-бирларимизга янада яқинлаштирғай.

Гулчехра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Москва ва Европада чемпионатлари ўтказилган

Халқаро Олимпиада қўмитаси комиссиясининг Москвага ташрифи ўз ниҳоясига етди. Улар ёзги «Олимпиада — 2012» ўйинларини ўтказишга даъвогар барча шаҳарларнинг имкониятларини ўрганиб чиқди.

Мутахассисларнинг айтишича, Москва давogarлари орасидаги рўйхатнинг охирида турибди. Бирок, Москва шаҳар мэри Юрий Лужков ўз шаҳри галабасига ишонапти. Унинг таъкидлашича, 1980 йилдан буён Россия пойтахтида 100 дан ортиқ жаҳон ва Европа чемпионатлари ўтказилган. Бундан ташқари, шаҳар мэрияси 10 миллиард доллар сарфлашга рози. Делегация раҳбари Навал Мутавакел Москва барча таллашларга жавоб бера олишини таъкидлади.

Мазкур халқаро мусобақани ўтказишга Париж, Лондон ҳамда Мадрид шаҳарлари асосий даъвогарлик қилиб келяпти.

Ҳали ҳам шундай жорий йилнинг 6 июлида Сингапурда бўлиб ўтадиган Халқаро Олимпиада қўмитасининг йиғилишида маълум қилинади.

Ҳарбий жиноятда айбланмоқда

Роттердам шаҳрида голландиялик тадбиркор Франс Ван Анраатом устидан суд жараёни бошланди. У Саддам Хусайнга қиммий қуроллар тайёрлаш учун химикатларни ноқонуний сотганликда айбланапти. Собик диктатор режими даврида қурдларга қарши ушбу қиммий қуролдан фойдаланилган. Ушунда 5 мингдан ортиқ бегуноҳ аҳоли ҳалок бўлган.

Солиқлар камайдими?

Германия канцлери Герхард Шрёдер корхоналарга солинаётган солиқлар юкни камайтириш таклифи билан чиқди. Ушбу ташаббус мамлакатда ишсизлар сонини қисқартиришга қаратилган. Айтилган Германияда ишсиз қолганлар сонини 5,2 миллион нафарни ташкил қилади.

Шрёдер Бундестаг олдига қилган чиқишида солиқларни 19 фоизгача камайтиришни таклиф қилди. Бундан ташқари, қанчлер транспорт секторини ривожлантириш учун 2 миллиард евро ажратилишини маълум қилди. Режага кўра, мазкур соҳа ривожланади, қурилиш саноатида ҳам ҳиддий ўзгариш ясади.

Тақлиф рад этилди

Бундан бир муддат олдин Боливия президенти Карла Меса мамлакатда муддатидан олдин президентлик сайловлари ўтказиш таклифи билан чиққанди. У мундариқ

Вақтинчалик ярашув

Исроил фарафи Иерихон шаҳар назоратини фаластинликлар қўлга бериш режасини босқичма-босқич амалга оширишга киришди. Исроил армияси шаҳарга кириш жойларидики назорат пунктларини бузишни бошлади.

Айтилган Фаластин маъмурияти раҳбари Махмуд Аббос Қожирада террорчи гуруҳлар етакчилари билан ўчрашиб, Исроил билан эришилётган тинчлик жараёнларини муҳокама қилапти. Ушбу 13 гуруҳ етакчилари Исроил билан вақтинчалик норасмий ярашувга рози бўлишган. Бунинг учун эса Исроил ҳарбий амалиётларини тўхтатиши ва маҳбусларни озод қилишлари лозим. ХАМАС вакилининг маълум қилишича, расмий Тель-Авив 2005 йил охирига қадар юқоридики шартларни бажармаса, келгуси йилдан келишув бекор қилинади.

Исроил Бош вазири Фаластиннинг ҳарбийлашган террорчи гуруҳларининг йил охиригача ҳужум қилмаслик борасида берган ваъдасини юқори баҳолади.

Террорнинг мақсади маълум

Авал хабар қилинганидек, 8 март кун Ливандан Сурия қўшинлари олиб чиқиш кетиши борасидаги зиддиятлар давом этаётган бир пайтда, «Хизбаллох» гуруҳининг «қакриғи билан Байрут марказидаги Риёд Сўл майдонда кўп миң кишилик митинг бўлиб ўтган эди. Намойишчилар қўшинларнинг чиқиш кетишига қарши чиқишганди.

Мазкур намойишдан сўнг бир қатор Фарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ ва айрим Европа давлатларида бир-бирига зид фикрлар билдирилди. New York Times газетаси Жорж Буш маъмуриятидаги номи маълум қилинган манба асосида АҚШ «Хизбаллох» гуруҳини сиёсий ташкилот сифатида тан олишга даярили тайёр, деб хабар берди. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳам «Хизбаллох» гуруҳи Ливан-Сурия масаласида сиёсий куч сифатида роль ўйнаши лозим, деб баёнот берди.

Утган йил кузда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1559-Резолюциясида Сурияга ўз қўшинларини Ливандан олиб чиқиш кетиши, «Хизбаллох» гуруҳига эса қуролсизлини мажбуриятга юлганган эди. Бирок унда қўйилган талаблар бажарилмади — Сурия қўшинлари ҳамон Ливанда турибди, «Хизбаллох» эса қуролсизланишдан бош тортди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг баёнотида кўра, ҳаммаият «Хизбаллох» гуруҳини «резоллюциянинг бажарилишида катта ўрин тутувчи ижтимоий куч» сифатида тан олиш мақсадага мувофиқдир. Ушбу ҳужжатнинг ижросини кузатиш учун масъул бўлган БМТ махсус вакили Терье Род-Ларсен АҚШ ва Европа ушбу ташкилотга етарли даражада баҳо бермапти, деб ҳисоблайди.

Аммо АҚШ давлат қотиби Кондолиза Райс ва Оқ уйнинг расмий вакили Скотт Макклеллан New York Times газетаси тарқатган маълумотларни қатъий рад этди. ВВС News маълумотларида айтилишича, С.Макклеллан АҚШнинг «Хизбаллох» нисбатан позицияси ўзгармаган, деб баёнот берди. Ушбу гуруҳ АҚШ давлат департа-

БМТ клонлаштиришга қарши

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси яқинда одомни клонлаштиришни тақиқлаш тўғрисида декларация қабул қилди.

Reuters агентлигининг келтирган маълумотида ушбу ҳужжатни 191 та давлатдан 84 таси маъқуллаган, 34 та давлат қарши чиққан ва 37 таси эса бетаариф қолгани маълум қилинган.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши расман одомни клонлаштиришни ман этиш бўйича Гондурас томонидан илгари сурилган кейинчалик Рим-католик черковни томонидан қўллаб-қувватланган таклиф бўйича тўрт йил давом этган баҳсларнинг хотимаси бўлди.

Шундай бўлса-да, айтилган борада тадқиқотлар олиб бораётган давлатлар БМТнинг қарори тавсия характерига эга дейишмоқда.

ДИНИМИЗ МУСАФФОЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Уламолар кенгаши аъзолари, диний билим юртлари мудирилари, Тошкент шаҳридаги йирек жоме масжидлари имом-хатиблари ишларида бўлиб ўтган йилда ҳам айнан шу мавзуда сўз юритилди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидони жамият барқарорлиги ва хавфсизлигига мафқуравий таҳдидларнинг диний экстремизм билан узвий боғлиқлиги, соф маърифий, ислом қадриятларини асраб-авайлаш, уни диний шюрларни ниқоб қилиб олган кимсалардан ҳимоя қилиш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, уламолар ва дин аҳлининг олдида турган долзарб вазифалар ҳақда тўхталиб ўтди.

Жаҳон динлари орасида энг ёш ва шубҳали бирга эътиқод қилувчилар сонини кундан-кунга кўпайиб бораётган исломнинг ичида Узаро гоёвий кураш кетмоқда. Бу динимиз мусоффолигини асраш, уни оят ва ҳадисларга таянган ҳолда турли бузғунчи тоифалардан ҳимоя қилиш лозимлигини кўрсатади.

Мутаассиб оқимлар, террорчи ва кўпоруғчи ҳаракатларнинг халқимиз табияти ва қадриятлари, асрлар давомига эътиқод қилиб келаятган ҳасулий мазаҳига бутунлай ёт эканини аниқ мисол ва ишончли далиллар асосида ёритиш ҳам ҳаётий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш билан бирга, уни алдамчи усуллар орқали поймол қилишга қаратилган уришлар, хусусан, ақида-



- Тонг отар, дафтарларини очиб еру осмонга, тонг,
- Бўйларини, анбарларини соғиб гулу райҳонга тонг.
- Хуш насимлардин умидлар ҳам сафолар келтирур,
- Жумлайи юрган тирик жон, жумлайи инсонга тонг.
- Оқ келинчақдай либосини чўққилардан кўргузиб,
- Тоғу тошда аввало берди салом чўпонга тонг.
- Қир-адирлар бағрида яйраб таратди жилвалар,
- Нағма берди жилгаларга, соҳилу сайҳонга тонг.
- Бу гўзал гулдан диёрдир, бунда шўху шан баҳор,
- Қанчалар рангу ифориини солди шўх жавлонга тонг.
- Оқсаройлар кўксига кўндириди оқ каптарларини,
- Неча бир даверу замондин келди бу кўрғонга тонг.
- Мен у тонг отмас замонларни тасаввур айласам,
- Тожмаҳал шаклида қолди мангу Ҳиндистонга тонг.
- Ранг олиб бўстонларини булбулларнинг қонидан,
- Лолазун бўлди хотини нолаю афғонга тонг.
- Мўлтираб осмонлариди қолди зор чўпонларини,
- Отмади зиндонда Чўпон билан Усмонга тонг.
- Сўлди бир эл миннату тухмат аро юзи қаро,
- Чунки ҳеч мумкин эмасди у темир зиндонга тонг.
- Сен фидолар ному ёдидан дилиннга ибрат ол,
- Шул сабабким, бесабаб отмас бирор давронга тонг.
- Сўнмағай Соҳибқирон шавақатлари, ҳеч сўнмағай,
- Келтирар султонларини от миндириб султонга тонг.
- Нақибанд этди Нақибандий бобо гўмбазларини,
- Отди инсофу диёнат, қалб билан шўмонга тонг.
- У Самарқанд боғларини шингарфу зангор айлади,
- Отди тонг Фарғонада, нур соғди ҳам Сурхонга тонг.
- Кўзю олдиди нигоринг, кўзюми ё тонгмидир?
- Тонгга ўхшар дилбаринг ё дилбарини жононга тонг.
- Умримиз кўзюлариди ҳар саҳарининг ўрни бор,
- Кексаларга неъмату бахтдир қизу ўлгонга тонг.
- Не шарафдир, бу ҳайт бўстонинга зийнат бериб,
- Одам оламги зий, келтирса ҳар инсонга тонг.
- Эзгулик карвоналарини йўлаб, мунсаар айлағай
- Ўзбекистонни баҳористон, қуёшистонга тонг.
- Сирожиддин САЙИД.

Обод уйда пок инсонлар яшайди

Бу йилги Наврўз байрами Қашқадарёда ўзгача мазмун касб этмоқда. Қарши шаҳрининг 2700 иширилгига тайёргарлик тадбирлари Наврўз олдида амалга оширилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан қўшилиб кетди. Шаҳару қишлоқларда, дала ва боғларда иш қизғин.

— Вилоят ҳокими йил бошида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Гулчехра Бобоқонова. — Шундан буён шаҳар ва қишлоқларимизда катта ҳажмда иш бажарилди. Бу ишдан бирор қорхона ёки ташкилот жамоаси четда қолган эмас. Ариқлар тозаланди, Зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Қўча ва боғлардаги дарахтларга шакл бериш, янги қўчат ва гуллар экишга алоҳида эътибор берилаётди. Ҳозиргача 1759 миң туп манзарали, 433 миң туп мевадли дарахт, 820 миң туп гул қўчатлари ўтқазилди.

Бу йил Наврўз тантаналари асосан қишлоқ ва маҳаллаларда, бевосита аҳолининг яшаш жойларида, дала ва боғларда ўтказилди. Бу биз, маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Фуқаролар йиғинлари Наврўзга тайёргарлик ишларини тўлиқ ўз зиммаларига олиб, унда имкони борича кўпроқ одам иштирок этишига эришиш чораларини кўришмоқда. Ана шунда умумхалқ байрами чинакам халқ сайлига айланади.

Наврўз тадбирлари маҳаллаларда алақачон бошланиб кетди. Дошқозонларда баҳор таомини — сумалак тайёрланиб, элга улашляпти. Сумалак бошида ёзилган дастурхонга ялпиз, исмалоқдан кўк сомоса, ёрма тортилмоқда. Халқ ўйинлари, баҳши дўмбрасининг садолари янграмоқда.

Бугун вилоят аҳли катта байрам хашарига чиққан. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, унда 425 миңдан ортиқ киши иштирок этаётди. Тушган 113 миллион сўм маблағ «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлиmlари ҳисобига ўтказилди. Бу маблағ маҳаллаларнинг ободонлаштириш, маҳалладаги инфратузилмаларни ривожлантириш, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга қўмақлаштириш ҳамда маҳаллаларда оммавий спортни кучайтиришга сарфланади. Бугун кечга қадар хашарчилар қўчи билан 22 миң туп дарахт ва гул қўчатлари ўтқазилиши кўзда тутилган.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллада япон лойиҳаси

Наврўз кунларида янги иншоот ва масканларнинг ишга туширилиши юртимизда яқин аънамага айланмоқда. Бухоро вилоятининг Когон туманида ҳам ушбу айём қувончли тадбирлар билан нишонланди. Туманининг Янгиҳаёт қишлоғи ва Зиробод маҳалласи аҳолиси эндиликда янги замонавий телефон хизматидадан фойдаланганидан бўлди. Ушбу янги тармоқ Япониянинг махсус лойиҳаси асосида амалга оширилди.

— Мамлакатимизда ҳар бир тадбир инсон учун, унинг ҳаётий аҳтиёжлари учун хизмат қилиши аниқ муқдосдир, — дейди кекса педагог Иноят Эшонқуллов. — Мана, ниҳоят, кўп вақт орзу қилганимиз айтилган байрам кунларида рўёбга чиқди. Когоннинг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида алоқа хизматининг яқинланганлиги, ҳеч муболагасиз, истиқлол шарофатидир.

Баҳодир ФАЙЗЕВ.

Сайловлар кечиктирилади

Афғонистон президенти Хамид Карзай мамлакат парламентига ўтказилмаган сайловлар кечиктирилишини айтиди. АҚШ Давлат қотиби Кондолиза Райсининг мамлакатга қилган расмий ташрифи чоғида Хамид Карзай бу ҳақда маълум қилди.

Жорий йил май ойида парламент сайловлари ўтказилиши мўлжалланаётганини Карзайнинг сўзларига қараганда, баъзи техник сабаблар шундай қарорга келишга мажбур этган.

Маблағ йўқолган

Украина темир йўли транспорт маъмуриятининг маълум қилишича, Deutsche Bank томонидан янги темир йўли қурилиши учун ажратилган 700 миллион долларлик кредитнинг бир қисми исизис йўқолган.

Транспорт вазири ўринбосари Зенко Афаназив кредитнинг яримдан кўпроғи сарфланганлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, маблағ йўқлиги боис темир йўли қурилиши дастури жорий йилда тугалланмай қолади.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ботиржон ҒОФУРОВ.



«Поток»нинг олтин қондаси:

БАҲАРАРЛИК ВА СИФАТ КАРОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чор жараёнлар ҳақида НКМК бош директори Николай Иванович Кучерский шундай деб ёзди: «Мурунгов 1980 йилгача 150 метр чуқурликда нисбатан қулай шароитларда иш юритди. Қазилар ишлари йил сайин чуқурлашиб, масалан, 1985 йилда очик кон чуқурлиги 160, 1990 йилга келиб эса, 220 метрга етди. Кон-техник шароитлар мураккаблашди, ағдарма машиналар иш унуми пасайди, уларнинг 35-40 фоизига ишлатиларди... Олтин ишлаб чиқариш режаси мавжуд автотранспортлари тоғ жинси ташинишга жалб этиш ҳисобига бажарила-да, аммо кон очилиш ишлари сусайди. Вазият мушкуллашиб борди. Мурунгов очик конининг оғирлашиб кетган шароитида ишлаб олинадиган чет эл ағдарма машиналарини импорт қилишга мавжуд вазиятни ўнглаш имконини берарди. Бироқ собиқ иттифоқнинг Машинасозлик вазирлиги, ҳатто Министрлар Совети ҳам энди бу масалада ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Ана шунда эндигина сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовга мурожаат қилишга тўғри келди... Шундан сўнг барча зарур чоралар кўрилди...»

Нихоят, комбинат қийинчиликларини еңиб ўтди. 2-гидрометаллургия заводидан олтин ишлаб чиқариш ҳажми сақлаб қолинди. Кон қазилар ишлари ҳам аввал барқарорлаштирилди, сўнгра яхшиланди. Мурунгов очик кони режалаштирилган ишларни бажариш учун кон-транспорт техникаларига эга бўлди...

Таркибда олтин бор қатламга етиб бориш учун, биласиз, ер усти қисмидаги тупроқни қавлаб олиш ва очик кондан ташқарига чиқариб ташлаш лозим. Мурунгов сингари чуқур очик конларда бу ишларни бажариш жуда оғир. Қудратли ағдарма машиналардан фойдаланиш очик кон ичида чанг-тўзон ва зарарли газларни кўпайтириб юборишдан ташқари, олтиннинг таннархини ҳам анча қимматлаштиради. Бундай вазиятда дунёдаги кон-руда компанияларига даврий-поток технология (ДПТ) мажмуаси асқотарди. Бу очик кон ичида монтаж қилинган конвейер тизими бўлиб, ағдарма машиналарда ташиб келтирилган ва майданланган тоғ жинслари шу конвейер орқали юқорига чиқарилиб, тепаликка уйилади. ДПТ машиналар йўлини қисқартиради. Уни қўланиш натижасида ағдарма машиналар, ҳайдовчи ва таъмирчилар сони, ёнилги-мойлаш материаллари сарфи ҳамда очик конда зарарли газлар миқдори камаяди. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ДПТ бир куб метр тоғ жинсини ташинишга кетадиган ҳаражати 40 фоизгача камайтиради экан.

Шундай аjoyиб ДПТ мажмуаси 1984 йилдан бошлаб Мурунгов очик қониди ҳам ишлаб бошлади. Ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида НКМК ва Марказий руда бошқаруви раҳбарияти ташаббуси билан 1989 йилда «Поток» ишлаб чиқариш ширкати ташкил этилган эди. Бир йилдан сўнг у шу номдаги олтин изловчилар артелига айлантирилди. У олтин қазиб чиқариш мажмуасида нодавлат мулк шаклидаги биринчи корхона бўлиб, ўзига юклатилган вазифани НКМК билан шартнома асосида бажаради ва юқорига ташиб чиқарилган ҳар бир куб метр тоғ жинси учун ҳақ олади. Кейин эса, ана шу пуллар ҳисобига электр қуввати, ишлатилган материаллар, ёнилги-мойлаш ашёлари учун ўзлари ҳисоб-китоб қиладилар. Қолган даромадни ўз ихтиёрига тасарруф этиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, артел аъзолари меҳнатини моддий рағбатлантиришга сарфлайдилар.

«Поток» артели раиси Александр

Вдовенконинг гапига қараганда, ДПТ мажмуасида илгари қарийб 500 киши ишларди, ҳозир уларнинг сони 260 кишидан ошмайди. Ўша жойда янгилик ҳисобланган меҳнатни ташкил этишга бозор муносабатлари асосида ёндашиш, яъни ҳар бир ходимнинг даромади пировард натижа (ташланган тоғ жинси ҳажми)га боғлиқ қилиб қўйилгани ўз самарасини берди. Авариялар сабабли бекор туриб қолишлар кескин камаиди, таъмирлаш ишлари сифати яхшиланди, иш унуми икки баравар ортиб, меҳнат интизоми янада мустаҳкамланди.

Олтин заррали бир тонна тоғ жинсини ун ҳолатида майдалаб, ундан «бир ҳовучгина» қимматбаҳо металлни ажратиб олишдек мураккаб ва сермеҳнат жараёни сўз билан ифодалаб бериш осон эмас. «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деганларидек, биз «Поток» артели бош муҳандиси Павел Пироженок билан Мурунгов конининг ДПТ мажмуасига йўл олдик.

Куну тун меҳнат қайнайди

Зарафшон шаҳри билан Мурунгов очик қони оралиги 40 километр. Таъмирловчи ва чилангарлардан иборат бригадалар артелининг автотранспортлари ёрдамида бир неча-кундузда икки марта ишга олиб келинади. Ишини тутатганларни ҳам шу транспорт олиб кетади. Кон кечаю кундуз тинимсиз ишлайди. Фақат Янги йил байрами бундан мустасно. Мурунгов меҳнаткашлари ягона «дам оладиган» 24 соат ҳар йил 31 декабрь соат 20.00дан келгуси йил 1 январь соат 20.00гача бўлган вақт оралиғига тўғри келади.

Узунлиги 3,5, эни 2,5 километрлик, чуқурлиги 480 метрлик очик коннинг кузатув майдонидан қаралганда, Американинг 137 тонналик «Катерпиллар»лари ва шведларнинг 160 тонналик «Юклид»лари гултурт қутисидек бўлиб кўринади. Юқорини ДПТнинг майдалаш қурилмаларига тўқиниш бас. У ёғига конвейерлар орқали аjoyиб машина-көрексиз тупроқни тепаликка чиқариб уядиган 1500 тонналик, қадам ташлаб юрвучи агрегатга етиб боради. У жуда мураккаб, кўп металл сарфланган, кўп электр қуввати таллаб этади. Конвейернинг узунлиги 9,5 километр. Унинг бир метр узунлигидаги резина-трос лентасининг оғирлиги 120 килограмм келади ва ҳаҳон бозорида 500 доллар атрофида туради. 40 та қудратли двигател (ҳар бири 630 кВт) ҳаракатга келтирадиган ДПТ мажмуаси бир ойда 5 миллион киловаттгача электр қувватини «ҳазм» қиладди.

Конвейер ишини диспетчерлик пунктидан туриб смена бошлиқлари бошқаришади. Василлий Суходоладан сўраймиз:

— Байрам ёки дам олиш кунла-

ри бирор агрегат бузилиб қолса, нима бўлади?

— Барча уста ва таъмирловчилар мобил радиолоқа билан таъминланган, — жавоб беради у. — Байрам ва дам олиш кунларида Зарафшонда тезкор гуруҳ ҳозир туради. Улар агрегат бузилиши содир бўлган жойга бир соат ичида етиб келиб, навбатчи гуруҳ элполаган нуқсонни бартараф этишади. Одамларини ўрганиб қолишган, улар учун энг муҳими коннинг бир маромда ишлашини таъминлаш. Чунки корхонамизда олтин қазиб чиқариш бўйича давлат бюртамсининг муваффақиятли бажарилиши ана шундай қатъий тартиб ва интизомига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида олтин қазиб чиқаришни кўпайтириш бўйича ҳукумат дастурига мувофиқ, НКМК кон мажмуаси кон-транспорт ускуналарининг тизимини модернизациялашга киришди. 2005 йил охиригача тоғ жинсини қайта юклаш пунктига ташиниш ва сўнгра олтин саралаш заводига етказиб бериш мақсадида конвейер линияларидан бирини, шунингдек, ўта қия конвейер ва мобил майдалаш мажмуаси тизимини қайта монтаж қилиш режалаштирилмоқда. Марказий кон бошқармаси раҳбарияти артел аъзоларининг бой тажрибасини ҳисобга олиб, бу ишни бажаришни «Поток» жамоасига топширди. Артел эса, одатдагидек, топириқни бажаришга зудлик билан киришди.

Артел жамоаси юқори малакали мутахассислардан иборат. Шу билан бирга, ишга янги қабул қилинган ходимлар Марказий кон бошқармасининг ўқув марказида албатта ўқитилади. Табиий ҳолларни ҳисобга олганда, кадрлар кўнимсизлиги йўқ. Қолбуки, бу ерда тартиб-интизом шартлари жуда қатъий. Масалан, хавфсизлик техникаси қондаларини бузган, сабабсиз ишга чиқмаган ёки иш вақтида спиртли ичимлик ичиб, ўғирлик содир этган киши, албатта, ишдан бўшатилади.

Яна бир хайрли иш

Артел ДПТ мажмуасини муваффақиятли бошқара бошлаганидан сўнг орадан уч йил ўтгач, яъни 1992 йилнинг май ойида комбинат раҳбарияти, анжиргоги, бош директор Н. Кучерский «Поток»ка яна бир ижтимоий муҳим вазифа — Зарафшон аҳолисини ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни, бошқача қилиб айтганда, башт зонасида сермаҳсул қишлоқ хўжалик корхонасини барпо этишни топширди. Артел раҳбарлари эса, табиийки, ўйлаб қолишди. Чунки янги топширик улар ўрганган, кўниги кетган кон ишларига мутлақо зид соҳа эди. Шунга қарамай, тегишли адабиётларни топиб ўқиш, мутахассисларни танлаш, ишлаб чиқариш корпусларини мослаштириш, илгор

Ислоҳот одимлари

қишлоқ хўжалик корхоналари таърибаларини ўрганиш, амалий алоқалар ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди...

Мана, орадан 13 йил ўтди. Бугун «Поток» олтин изловчилар артели жамоасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш соҳасида зришайтган ютуқларига ҳатто республиканинг энг илғор, энг салоҳиятли ширкат хўжаликларини ҳам ҳавас қилса арзийди. Артелининг қишлоқ хўжалик мажмуасида 3345 бош чўчка, сут-товар фермасида 445 бош қорамол, шу жумладан, 115 бош соғин сигир боқилмоқда. Бундан ташқари, 1,3 гектарлик иссиқхона нафақат зарафшонликларга, балки Навоий, Учқудук ва Зафаробод шаҳарлари аҳолисига ҳам ҳар йили ноябрь-май ойларида экологик тоза маҳсулот — помидор, бодринг, булғор қалампери, лимон ва ҳатто апельсин етказиб бермоқда. Қарийб 5 йилдан буён ушбу маҳ-

олиб борилади. Сут-товар фермаси мудири Владимир Руссу 13 йил илгари кон қовловчи касбини ҳозирги лавозими билан алмаштирган эди. Шу даврда ўзи учун мутлақо нотаниш бўлган соҳада ҳам кўп нарсага эришишга улгурди. 445 бош қорамолни машинада сут соғиш операторлари ва ветеринария врачларидан иборат 16 киши парваришлайди. 2004 йилда ҳар бош сигирдан ўртача 5800 литрдан сут соғиб олинди. Ёки уларнинг бир кунлик ўртача маҳсулдорлиги 15,7 литрга тўғри келди. Агар оммавий ахборот воситаларида Фарғона водийсида сигирларнинг ўртача 2800 литрдан сут бераётгани кўкларга кўтариб мақталаётгани эътиборга олинса, артелчилар эришайтган ютуқлар салмоғи ўз-ўзидан маълум бўлади. Дарвоқе, улар сув ўта танқис бўлган дашт зонасида 115 гектар майдондаги озуқа экинларини Зарафшоннинг тозалаш иншоотла-

ридан чиқадиган сув билан суғоришади. Шунга қарамай, беда мавсум давомида 6-7 марта ўрилиб, ҳосилдорлик 700 центнерга етказилмоқда.

Ўтган мавсумда силосбоп экинлар — қанд лаглага, маккажўҳори, кунгабоқар, бошоқлайдиган сорго ва африка ўтидан ўртача 600 центнердан кўк масса олиниб, 2600 тон-

ридан чиқадиган сув билан суғоришади. Шунга қарамай, беда мавсум давомида 6-7 марта ўрилиб, ҳосилдорлик 700 центнерга етказилмоқда.

Ўтган мавсумда силосбоп экинлар — қанд лаглага, маккажўҳори, кунгабоқар, бошоқлайдиган сорго ва африка ўтидан ўртача 600 центнердан кўк масса олиниб, 2600 тон-



«Поток» артелининг қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари Александр Ворошконинг таъкидлашича, бу ерда ҳеч нарса беҳуда кетмайди. Чўчкахона ва сут-товар фермаси шу даражада тоза ва озодаки, ҳатто одатдаги молхона исини ҳам сезмайди. Гўнғор автомат усулда сув билан ювилиб, махсус резервуарларга оқизилади ва бу ерда тиндирилиб, ундан қуруқ органик ўғит сифатида экинлар озиклантирилади. Оқурулардан ем-хашак узилмайди. Моллар суғориши қурилмаларидан сув ичишга кўнликка ҳосил қолган.

Озуқа рационини белгилашда молларнинг ёши ва маҳсулдорлиги аниқ ҳисобга олинади, муҳими, бу тартибга қатъий амал қилинади. Масалан, бузоқчаларга ундирилган арпа берилди. Молларни ўстириш илмий асосда йўлга қўйилган бўлиб, Ўзбекистон ва Россия илмий-тадқиқот институтлари мутахассисларининг ёрдамига таянлабди. Шу боис мол ва чўчкаларнинг насл бериши ҳам, маҳсулдорлиги ҳам юқори. 2004 йилда вази 180-200 килограмм ола чўчкалардан ўртача 9,6 тадан насл олинди.

Қорамол подасидаги ҳар бош сигир ўзига ҳақ алоҳида «тавсифнома-код»ига эга бўлиб, у ёрлик сифатида қулоқларига тақиб қўйилади. Фермада бир неча зотдор буқа реклама учун, асосан сигирлар подасини сермаҳсул зотли гунажинлар ҳисобига янгилаб, тўлдириб бориш учун боқилади. «Гена» лақабли икки ўшли буқанинг вази — 925 килограмм.

Бироқ селекция ҳамда подани урчишиб кўпайтириш ишлари Тошкент наслчилик бирлашмаси шафелигида, сунъий қочирини усулида

на озуқа тайёрланди. Хоразм вилоятидан келиб, бу ишларни ўз кўзи билан кўрган бир ширкат хўжалиги раиси ҳайратдан ёқа ушлаб, «Ҳақиқий илгор тажриба мактабини яратибсизлар», — деди.

Кўнига беш миллион сўмлик маҳсулот

Бугунги кунда Зарафшон ҳамда Навоий ва Учқудук шаҳарлари савдо шохобчалари пештахталари «Поток» артелида етиштирилиб, қадоқланган гўшт ва ундан тайёрланган турли хил маҳсулотлар билан тўлиб-тошган. Артелининг Зарафшондаги фирма дўконларидан бирида 28 турдаги қолбаса ва гўшти тансиқ маҳсулотлари сананди. Бундай тўқинлиқни ҳатто Тошкентдаги бирорта дўконда ҳам учра-толмайди. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, артелчилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури 50 дан ошади. Ҳар кун сўйиланган мол ва чўчка гўштлирининг 70 фоизи ана шундай қайта ишланган маҳсулотлар шаклида фирма дўконларига тарқатилади, қолган 30 фоиз гўшт қадоқланган ҳолда савдога чиқарилади.

«Поток»нинг фирма дўконларида 16 хил сут маҳсулоти сотилади. Улар аҳолининг талаб ва эhtiёжларига қараб, савдо шохобчаларига кўнига икки ёки уч марта сарҳил ҳолда етказиб турилади. Бунга нафақат зарафшонликлар, балки Навоий, Учқудук ва Зафаробод шаҳарлари аҳолиси ҳам ўрганиб қолишган. Масалан, зарафшонликлар ҳар кун артелининг 5 миллион сўмлик гўшт-сут маҳсулотларини харид қиладилар. Иссиқхона мажмуасида етиштирилдиган дармондориларга бой маҳсулотлар бунга кирмайди.

Москва вилояти хўжалиқларидан харид қилинаётган, иссиқхоналарга мўлжалланган бодринг, помидор, булғор қалампери уруғлари қадалган ҳар квадрат метр майдондан 12-13 килограммдан ҳосил олинапти. Артел иссиқхоналаридаги мандарин ва апельсинлар ҳам яхши ҳосил берапти. Улар лимон дарахтига пайванд қилинган. Иссиқхона бригадир Иброҳим Ҳамроевнинг айтишича, ҳар мавсумда ўртача 13 тоннага етказиб лимон ҳосили ҳам етиштирилади.

Зарафшонликлар ўз навбатида артел жамоаси меҳнатини муносиб қадрлашапти. Биз «Поток»нинг фирма дўконларидан бирида Зарафшон қурилиш бошқармаси ходими Игорь Алексеевич Шварц билан суҳбатлашиб қолдик.

— Фақат «Поток» маҳсулотларини харид қиламан, — деди у. — Чун-

ки сифатидан кўнглим хотиржам. Сифат учун эса пул аялмайди.

Артелининг шаҳар банкларини орқали ҳар ойлик нақд пул айланмаси 90 миллион сўмни, бундан ташқари, терминаллар орқали (зарафшонликлар иш ҳақларининг бир қисмини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг пластик картчаларига ўтказадилар) 40 миллион сўм ва республиканинг бошқа туманлари билан улғуржи савдодан 30 миллион сўмни ташкил этади.

Зарафшон шаҳар ҳокимияти биринчи ўринбосари Фахриддин Давронов артелчиларнинг шаҳар ижтимоий тараққиётига қўшаётган салмоқли ҳиссаларини мамнуният билан таъкидлади. Биринчидан, дашт марказида жойлашган шаҳар сифатли гўшт-сут ва савзаовт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланмоқда. Иккинчидан, ҳар ойда банкларга нақд пул барқарор туриб тургани тўғриси маҳаллий ҳокимият ижтимоий масалалар — пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни муаммоларсиз ҳал этаётди. Бундан ташқари, «Поток» энг йирик ва қонунга қатъий итоат этадиган солиқ тўловчилардан ҳисобланади. Табиийки, у тўлаётган солиқларнинг бир қисми маҳаллий бюджетда қолади. Кейинги икки йил давомида артедан тушган умумий солиқ суммаси 1,9 миллиард сўмни ташкил этди. Хайрия тадбирларига эса 2004 йилнинг ўзида 35,5 миллион сўм сарфланди.

«Шаҳар артелсиз ҳам кун кўраверадими?» деган ҳазиломуз саволимига ҳоким муовини бироз уйланиб туриб, шундай жавоб берди:

— Очигини айтганда, буни тасаввур қилиш қийин. Балки артелсиз ҳам шаҳар ўз кунини кўравершиши мумкин. Аммо... Шаҳар дўконларида эҳтимол, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг гўшт-сут маҳсулотлари пайдо бўлар. Лекин уларнинг сифати қандай бўлади? Энг ёмони, ҳар ойда 130 миллион сўм атрофидаги пул шаҳардан ташқарига чиқиб кетади. Бунинг устига, миллион-миллион сўм солиқ тушумлари ҳам тўхтайдми, — у бош чўчка туриб қўшиб қўйди: — Йўқ, бу ноҳўй иш, бундай бўлиши мумкин эмас.

Истиқбол ва муаммолар

Артель раиси Александр Вдовенконинг таъкидлашича, жамоа ўзининг қайта ишлаш соҳасига эга бўлганлиги хомашёларга замонавий усулда ишлов бериб, рақобатбардор ва турли хилдаги сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Аммо, сир эмаски, қорвачилик, азалдан зарар кўриладиган тармоқ бўлиб келган. Бинобарин, унн дотация ва субсидиясиз юргизиб бўлмайди.

НКМК марказий руда бошқармаси директори Андрей Михайлович Кустовнинг қўллаб-қувватлаши билан «Поток» артели сарф-ҳаражатларнинг анчагина қисмини асосий фаолият — тоғ жинсларини тепаликка ташинишдан келатган фойда ҳисобидан қопламақда. Маҳсулотни қайта ишлаш ҳақларининг мавжудлиги кейинги йилларда харажатларини сотилган маҳсулотга нисбатан 3 сўмдан 1,5 сўмга қисқартириш имконини берди. Харажатлар электр қуввати, иссиқлик учун тўловлар, ем сотиб олиш, иш ҳақи тўлашдан иборат. Ушбу харажатларни бу йил янада камайтириш ва маҳсулот ҳажминини кўпайтириш ҳисобига 2 миллиард сўм тушумга эга бўлиш лозим. «Поток»нинг бугунги барча саъй-ҳаракатлари шу мақсадга қаратилган. Ҳин келажакка мўлжалланган режаларда сутни қайта ишлаш ҳечини модернизациялаш, ярим тайёр масалликлар дўконини очиб, мол тўғини кўпайтириш мақсадида озуқа экинлари майдонлари ва ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш ҳамда қайта қуриш кўзда тутилган.

Навоий вилояти ҳокимлигида бизга айтишларича, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш концепциясига мувофиқ ҳамда республика Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида Қизилқумнинг дашт-иклим шароитида деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Вера РУДАКОВА.
Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.

Тахририятдан: Умуман, «Поток» олтин изловчилар артели қончилиқми ёки қишлоқ хўжалик корхонасими? Уйлашмики, бундай корхонага бирор фаолият тури бўйича алоҳида қараш иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас. Аксинча, муайян санаот объекти билан муайян қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи «узро» фойдаланиш ҳақидаги республикада ўтказилган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий натижаларини амалда очик-ойдин намоён этмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида товар ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик ҳаракати йўлида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни эса биргаликда ҳал қилмоқ зарур. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда!



2005 йил — Сihat-саломатлик йили
«Тамакига — йўқ!»

Чекиш инсон саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан бири эканини барча яхши тушунади. Шунга қарамай, дунё бўйлаб миллионлаб одамлар кашандалик туфайли ўз соғлигига шикаст етказмоқда. Афсуски, мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Чекиш инсонни айни меҳнатга лаёқатли даврида ярқочиб қилади, оилани боқувчисиз қолдиради, миллатни эса соғлом ишчи кучидан жудо этади.

2005 йил — Сihat-саломатлик йилида бу борадаги ишларни янада кучайтиришга катта имкониятлар борлигини алоҳида қайд этди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги бош вакили Арун Нанда тамакига қарши курашнинг халқаро аҳамияти тўғрисида гапирди.



Тадбирда тиббиётчи олимлар мамлакатимизда кашандаликка қарши олиб борилаётган амалий тадбирлар, саломатлик ва чекиш ҳақида маърузалар ўқишди. Шунингдек, Миллий театр ҳамда ушбу тиббиёт институти кувноқлар ва зукколар «Адреналин» ижодий гуруҳи томонидан тайёрланган чекишнинг зарари ҳақидаги сахна кўринишлари на-

Ўзбек Миллий Академик драма театрида Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саломатлик институти томонидан тамаки чекишга қарши курашга бағишланган ажойиб тадбир ўтказилди.

2-ТошДавТИ ректори, академик Ш.Каримов кашандаликка қарши курашда тиббиётчилар роли ва мамлакатимизда чекишга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилишининг аҳамияти ҳамда институт «Тамакидан холи худуд»га айлангани ҳақида сўзлаб берди. Шу билан бирга, у Юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган

мойиш этилди. «Тамакига — йўқ» фильми ва театр фоесида ташкил этилган «Тиббиёт талабалари тамакига қарши» мавзудаги бадиий кўргазма ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ҚўШИМА КОРХОНА

"LOK KOLOR SINTEZ"

Кенг ассортиментда
БЎЁҚЛАР, ЛАКЛАР, ЭМАЛЛАР...

Барча Ўзбекистон аҳолисини **Наврўз** байрами билан табриқлаймиз!

Ҳаммага бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз!

Сизлар учун нархларнинг байрамолди арзонлаштирилиши ва чегирмалар! Ўз ҳаётингизни гўзал қилинг!

Манзил: Тошкент ш., Фарғона йўли к. 13/22. Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, 191-74-63. Факс: (998 71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@rol.uz www.lokcolor.com

O'ZSANOATQURILISHBANK

Ҳурматли мижозлар, акциядорлар, Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари!

«Ўзсаноатқурилишбанк» сизларни баҳор байрами Наврўз билан самимий табриқлайди.

Хонадонингизда доимо Наврўз дастурхонидек тўкинлик, фаровонлик, қалбингизда езуғу туйғулар, шодлиғу-қувонч мужассам бўлсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» барча ташкилот ва корхоналарга **ОЙЛИК МАОШ ЛОЙИҲАСИНИ** тақлиф этади.

Бу ходимларингизга ойлик маошни халқаро **VISA Electron** ва **VISA Classic** пластик карточкалар ёрдамида тўлашнинг замонавий усулидир.

Корхонангиз учун афзал томонлари:

- бухгалтерия касса операциялари ҳажми қисқаради;
- ойлик маош учун навбат кутишлар бўлмайди;
- нақд пул воситаларини сақлаш ва уларни ташиш хатарлари камаяди.

Ходимларингиз учун афзал томонлари:

- «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг барча бўлим, филиал терминаллари ёки банкоматларидан нақд пул олиш имконияти;
- товар ва хизматлар учун тўловларни VISA терминаллари ўрнатилган магазин ёки хизмат кўрсатиш муассасаларида амалга ошириш (шу жумладан маиший ва бошқа хизматлар учун);
- сизнинг пулингиз ҳар куни сиз учун ишлайди, ойлик маош ҳисоб рақамидаги пул қолдигига фоиз тўланиши ва тўлиқ ҳимояланишининг кафолатланиши;
- бу пластик карточкалар банк томонидан бепул тарқатилиши.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ — ХАВФСИЗ, ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ!

Маълумот учун телефонлар: 120-43-39, 120-45-46.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

Халқ банки

Муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини **НАВРЎЗ** айёми билан самимий муборакбод этади. Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга кут-барака ва оилавий бахт тилайди.

Ҳамда мижозларга «Маржон» — қисқа муддатли омонат турини тақлиф этади.

Омонатга пул маблағлари 6 ой муддатга, йиллик 32 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50000 сўм миқдоридан Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —

«ФАЛЛАБАНК»

БОШҚАРУВИ ВА ЖАМОАСИ

Ўз мижозлари, акциядорлари ва мамлакатимиз аҳолисини баҳор ва гўзаллик байрами **Наврўз** билан самимий қутлайди.

Барчага соғлиқ-саломатлик, баҳорий кайфият ва ишларига ривож тилайди. Наврўз ҳаммага бахт-саодат, фаровонлик ва муваффақият олиб келсин.

Ишончли, қулай ҳамда замонавий тўлов воситасига эга бўлишни хоҳлайсизми? Ундай бўлса, «Фаллабанк»

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН фойдаланинг!

«Фаллабанк» пластик карточкалари бу, қимматли вақтингиз тежалишининг, тўловларингиз тезда амалга ошишининг, пул маблағларингиз ишончли сақланишининг кафолатидир!

«Фаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!



Гул узра андалибу, сарвнинг бошида қумрилар

Дейдиларки, яхшиликка йўғрилган, эзуликни тараннум этган сўз замон ва макон билмагай. Илло, ҳаққониятга йўғрилган сўзларгина абадиятга дахлдор бўлганидек, гўзал ташбеҳлар адабиётнинг бебаҳо мулки саналади. Биз Наврўз айёми чоғида мумтоз адабиётда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган шоирларимизнинг ашъорларини эзгу ният ила ҳавола этаямиз.

ОҒАҲИЙ

Навбахор айёми ҳар ким қилса сахро сайрини,
Айлаганча ҳаз топар фирдавси аъло сайрини.

Кўнглида қолмас кўдратдин асар, қилса агар
Мурғору бешаларнинг хотир оро сайрини.

Баҳра топгай ўзгача қилса гаҳи бу сайр аро
Авиёллар марқаднинг ибрат афзо сайрини.

Еткурур кўп суд дунё сайри ул сайёрга —
Ким, суруб раҳши тафаккур қилса уқбо сайрини.

Файллар бу барчадин ортиқ топар, гар айланса
Яъ аро қолгон дили маҳзуну шайдо сайрини.

Гулишани роҳатдурур фақру қаноат гўнаси,
Қилмоғунча лек не билсун киши то сайрини.

ОҒаҳийнинг кўнгли ҳам бир хуш ҳаво сахро эрур,
Ул нигори лутфху қилгоёму оё сайрини.

ФУРҚАТ

Баҳор айёмида гулгашт этарга
бир чаман бўлса,
Қилурга шарҳи ҳол, аҳли муҳаббат
икки тан бўлса.

Ҳазон айёмида ул тавба қилган
бўлса ҳам майдин,
Етиб майсориликнинг мавсуми, паймонишкан бўлса.

Булут қатра фишону, руҳафзо савзалар хандон,
Ариғларнинг лабида сазвақори бир чаман бўлса.

Ҳаво ҳам муътадил, ҳавзи мусаффо, суффаи дилкаш,
Оқар сун қалт уриб, себарга узра мавъжан бўлса.

Гул узра андалибу, сарвнинг бошида қумрилар,
Юзу қад ҳасратидин оху фарёд айлаган бўлса.

Суруру шодликни даҳр боғида нечук кўргай,
Камина Фурқатийнинг маскани байтул ҳазан бўлса.


Кўرғазма



Наврўз шуқуқи ке-
зиб юрган айни кун-
ларда ўтганларни эс-
лаш, уларнинг асар-
ларини ёд этиш ҳам
савобдир. Ана шу
мақсадда Ўзбекистон
Бадий академияси
замонавий санъат
маркази ходимлари
улуғ рассомларнинг
энг сара асарларидан
ташқил толган "Аср
тенгдошлари" номли
кўрғазма ташқил
этишди.

**Тасвирларда
байрам
нафаси**

Ундан ўзбек рассом-
чилиги тарихида ўзига
хос ўринга эга бўлган
П. Беньков, А. Николаев
(Уста Мўмин), Ҳ. Тан-
сиқбоев, Н. Карахан-
нинг жаҳон санъати
дурдоналарига айлан-
ган юздан ортиқ ноёб
асарлари ўрин олган.
Улар ўтган асрнинг
бошланишидан то 70-
йилларгача бўлган дав-
рда яратилган. Таъкид-
лаш жоизки, асарлар-
нинг баъзилари кенг
томошабинлар омма-
сига биринчи марта
намоиш этилмоқда.
— Ижоди намойиш
этилаётган буюк мўка-
лам усталари мамлака-
тимиз рассомчилиги-
даги ўзига хос мактаб
асосчилари саналади,
— дейди санъатшунос
Гулнора Эшмуротова. —
Рассомларнинг асарла-
ри яна шуниси билан



қимматлики, улар гўзал
Ўзбекистоннинг бетак-
рор манзараларини,
меҳнаткаш халқимиз-
нинг ўзига хос ҳаёт
тарзини асарларга жо
этишган. Шу орқали
келажак авлодга ҳам
ижодий, ҳам тарихий
мерос қолдиришди.
Кўрғазманинг яна
бир эътиборли томони
у "Бизнинг мерос" деб
номланган мавзу йўна-
лишида намойиш этил-
моқда. Асарларнинг
моҳиятини янада кенг
очиб бериш учун
кўрғазма доирасида
қатор маърузалар ҳам
ўқилади. Бадий
кўрғазмалар дирекция-
сининг фикрича, агар
у кенг жамоатчилик
ўртасида катта қизи-
қиш уйғотса, "Аср тенг-
дошлари" мавзусидаги
расмлар кўрғазмаси
келажакда яна давом
эттирилади.

С. МУҚИМОВ.

Метсо Минералз
компанияси жамоаси

бутун Ўзбекистон халқини

НАВРЎЗ

байрами билан салмилий
мубарақбод этади.

Сизга тинчлик, фаровонлик,
муштажам соғлиқ ва бахт-
саодат тилаймиз.

700128, Тошкент ш., Хуршид к., 112-уй. Телефон 144-85-25, факс 144-09-14.

ИШҚИБОЗЛАР КУТГАН КУН
Бугун мамлакат 14-чемпионати
байроғи кўтарилади

Мухлислар интиқлик билан кутган футбол баҳори бошланди. Ўзбекистон футбол федерацияси мусобақаларни ўтказиш бўлими бошлиғи Мирғофур Мирюсовнинг айтишича, мусобақаларни ўтказиш тартибида деярли ўзгариш бўлмади. Бу йилги мавсумда ҳам 14 та жамоа ғолиблик учун баҳс орятади. Махсус комиссия жамоаларнинг мавсумга тайёргарлик жараёни билан танишиб чиққан. Олий лиганинг янги жамоалари «Шўртан» ва «Тўполан» клублари машғулот ўтказиш базаси, стадионлари олий лига талабларига мос равишда таъмирланган. Хозир қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Қолган жамоалар чемпионати ўтказишга тайёр. Бу йил ғолиблик учун кураш олиб борадиган жамоалар ҳақида хозирча фикр билдириш қийин. Мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» кумуш медал соҳибдори «Нефтчи»нинг мавсумга қандай ҳозирлик кўргани барчага маълум. Мавсумдаги энг катта янгилик, деб терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимовнинг Муборакнинг «Машъал» жамоаси таркибига қўшилганлигини айтиш мумкин. Жамоага «Навбахор»да ишлаган тажрибали Виктор Жалилов бош мураббий этиб тайинланган. Мураббий билан бирга Х. Каримов, Ш. Мирҳолдишоев, Ж. Ҳасанов, В. Жалилов, А. Повляев, П. Бутенко, Д. Ваниевлар ҳам «Машъал» сафига ўтишган. Демак, «Машъал» ҳам бу йил совринли ўринлар учун кураш олиб боради. Кашқадарёнинг яна бир жамоаси «Насаф» янги мавсумга украинлик мураббий Олег Морозов бошчилигида тайёргарлик кўрди. Жамоа асосий таркиби сақлаб қолинган. Шунингдек, «Локомотив» ва «Трактор» жамоалари ҳам таркиби қайтарилган. Виктор Жалиловнинг бошқа жамоага ўтиши «Навбахор»да бироз муаммо туғдирган бўлиши мумкин. Сунгги маълумотларга қараганда, жамоани туркманистонлик мутахассис Раҳим Қурбонимамедов бошқаради. Жамоага бир қанча тажрибали футболчилар таклиф этилган. Яна бир янгилик бу мавсумдан «Қизилқум» жамоасида бош мураббийлик вазифасини миллий терма жамоамизнинг собиқ футболчиси Игорь Шквирин бажаради. Янги мавсум арафасида зўрага олий лига йўлланмасини қўлга киритган «Самарқанд-Динамо» бош мураббий Баҳром Ҳақимов бошчилигида мавсумга тайёргарлик кўрди. «Насаф» ва «Навбахор»дан бир неча футболчилар Самарқанд жамоасига жалб этилган. Бугун мамлакатимизнинг бешта шаҳрида чемпионат байроғи кўтарилади: «Пахтакор» — «Сўғдиёна», «Навбахор» — «Трактор», «Шўртан» — «Насаф», «Тўполан» — «Бухоро», «Қизилқум» — «Машъал» жамоалари биринчи тур ўйинларини бошлаб берадилар. Эртага «Локомотив» — «Самарқанд-Динамо», 23 март кuni «Металлург» — «Нефтчи» жамоалари учрашади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
«ТАДБИРКОРБАНК»

Серкўёш
Ўзбекистон халқини
кириб келаётган

Наврўз

айёми билан салмилий
қўтлаб, юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, дунёдор халқимиз
ҳамиша омон бўлишини тилайди!

Байрам муносабати билан сиз ўз сармоянгизни
1 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга жойлаштириб,
28-30 фоиз даромад олиш имкониятига эга бўласиз.

Ушбу омонатлар сизнинг
даромадингиз манбаидир.

Мурожаат учун
телефонлар:
173-05-79, 173-28-12

Марказ кутубхона очмоқчи

Пойтахтимизнинг Сирғали тумани «Маънавият ва маърифат» маркази туман маҳаллалари билан фаол иш олиб бормоқда. Деярли ҳар кuni бир маҳаллада учрашув бўлиб ўтади. Бу учрашув ва давра сўхбатларига аҳоли бажонидил қатнашаётган.

— Туманимизда 33 та маҳалла бор, — дейди Сирғали туман «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Шавкат Ибрагимов.

Марказ ходимлари яқинда ўзлари ишлаб топган маблағга компьютер сотиб олишди. Энди эса кутубхона очишмоқчи.

Ўз мухбиримиз.

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 20 март, яшанба кuni чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
серверларни етказиб бериш бўйича
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендерда иштирок этиш учун маҳаллий ва хорижий етказиб берувчилар, шу жумладан, кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар (юридик шахслар) таклиф этилади.

Тендер ўтказилиши ҳақидаги маълумотни ва тендер ҳужжатлари тўпلامини ишчи гуруҳидан қуйидаги манзилда олиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 144-89-42, 144-97-66, 144-97-14. Ички телефонлар: 214, 766, 714. Факс: 144-44-57.

Талабдорларнинг аввалдан квалификация қилиниши учун аризалари эълон чоп этилгандан бошлаб 20 кун давомида, тендер таклифлари аса 30 кун давомида ҳар кuni (шанба ва яшанбадан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади.

| | |
|--|---|
| Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти жамоаси институти етказиб бериш бўйича таъмир ва таъмир қилиш бўлими | Тошкент Молия институти жамоаси «Маънавият асослари» кафедраси ўқитувчиси Гулсара Шукуровага онаси |
| АЗИЗ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Шарофат ан АНОРМЕГОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. |
| Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси халқаро журналистика факультети Сиёсий менежмент ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси Фулмон Жумамуротовга отаси | Ўзбекистон Бадий академияси жамоаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Жасур Расултоевага отаси |
| Машарип ЖУМАМУРOTOVнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | КУМУШ аканинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. |
| Тошкент Давлат иқтисодий университети ректорати ва Бирлашган ҳасба уюшма қўмитаси Иқтисодий назарияси кафедраси доценти Нусратилла Абдуллаевага акаси филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби | «PATROKЛ» хусусий корхонаси жамоаси бош директори Мурат Бабанович Тангрибергеновга рафиқаси |
| Ҳақиятшўна АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | ТАНГРИБЕРГЕНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. |

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртама Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизанкалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғлаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Тижорат материалли

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпиров.
Навбатчи муҳаррир — К. Эшматов.
Навбатчи — С. Дошбеков.
Мусаҳҳах — М. Ёкубова.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 22.05 1 3456